



АЛИШЕР НАВОЙ ВА XXI АСР

Халқаро илмий-назарий анжуман
Тошкент, 2019 йил, 9 февраль

V. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА САНЪАТ МАСАЛАЛАРИ

V. LITERARY IMPACT, LITERATURE STUDIES AND ART

<i>Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ</i> . Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий ижодида комиллик фазилятлари.....	257
<i>Қосимжон СОДИҚОВ</i> . “Қутадғу билиг” да кечган туркий басмала ва Навоий ижоди.....	259
<i>Зоҳид ИСЛОМОВ</i> . Ўзбек навоийшунослигининг буюк дарғаси.....	262
<i>Ahmet Karaman</i> . Ali şir nevâî'nin on iki mukam'daki şiirleri üzerine.....	263
<i>Иқболой АДIZОВА</i> . Ижодий мактаб сабоқлари.....	269
<i>Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА</i> . Навоийшунос олима.....	271
<i>Акрам ДЕҲҚОНОВ</i> . Муҳаййир шеърятида Алишер Навоий Анъаналари.....	274
<i>Абдулла УЛУҒОВ</i> . Шайхзода – навоийшунос.....	277
<i>Фарида КАРИМОВА</i> . Фузулий форсча девони дебочасининг навоиёна мазмун-мундарижаси ва адабий-эстетик хусусиятлари.....	282
<i>Улуғбек ҲАМДАМОВ</i> . Навоий ва Шевченко: ҳаёт ва ижодларидаги муштарак жиҳатлар хусусида....	285
<i>Муҳаммад ЯҚУБ ҚАРАШ</i> . Алишер Навоий ва Амир Хусрав Дехлавий.....	287
<i>Гулбаҳор АШУРОВА</i> . Навоий образи ва эстетик мезонларнинг янгиланиши.....	290
<i>Бадия МУҲИДДИНОВА</i> . Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий ҳамсаларининг иккинчи дostonларида Ширин тимсоли тасвирида ғоявий-бадий маҳорат масалалари.....	294
<i>Қўлдош ПАРДАЕВ</i> . Навоий маҳоратининг Муқимий ижодий камолотидаги ўрни.....	298
<i>Гульжигит СОРОНКУЛОВ, Гульжан АБЫКАНОВА</i> . Алишер Навои, а не Гафиз.....	301
<i>Турсунжон КАРИМОВА, Равшан УСАНОВ, Саиджон ҚОРИХОНОВ</i> . Алишер навоий ижодидаги улугвор дўстликнинг яқин қўшни давлатлар матбуотида инъикос этиш масалалари.....	305
<i>Шаҳноза КАРИМОВА</i> . Алишер Навоий ижодининг усмонли адабиётига таъсири.....	309
<i>Умедулло МАҲМУДОВ</i> . Алишер Навоий ва Абдуллоҳ Марворид.....	312
<i>Шаҳло ҲОЖИЕВА</i> . Навоийона тимсолларнинг Чўлпон шеърятидаги синтези.....	315
<i>Элмурод НАСРУЛЛАЕВ</i> . XX аср шеърятида Навоий сиймоси талқини.....	319
<i>Розия ХАБОХУНОВА</i> . Академик Азиз Қаюмовнинг “Хамса” тадқиқиға ёндашув мезонлари.....	324

VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

VI. ALISHER NAVAI'S WORK AND LINGUISTICS.

<i>Зулҳумор ХОЛМАНОВА, Наргиза БЕКМУҲАМЕДОВА</i> . Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари.....	327
<i>Гульзада СТАНАЛИЕВА, Усманы ТУЛАНОВ</i> . Алишер Навои и проблемы развития тюркских языков.....	330
<i>Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ</i> . Алишер Навоий асарлари тилида сингармонизм ҳодисасининг бузилиши ҳақидаги фикрлар ва уларнинг илдизлари хусусида.....	334
<i>Эржан ЎМИРБАЕВ, Элмира АДИБЕКОВА</i> . “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг аҳамияти ва асардаги парча сўзлар.....	339
<i>Алишер АХРОРОВ</i> . Алишер Навоийнинг мақол ва афоризмлари хусусида.....	343
<i>Носиржон УЛУҚОВ, Камола ҲАМИДОВА</i> . Алишер Навоий асарларида топонимик вариантдорлик.....	347
<i>С.М. ЮБУРОВА</i> . Языковое мастерство Алишера Навои.....	350
<i>Акмалхон АКМАЛХОНОВ</i> . Ибн Абу Бакр Саккокий ва Алишер Навоийнинг арабча феъл боби ҳақидаги қарашлари.....	354
<i>Таваккал ЧОРИЕВ</i> . Жомий ва Навоий лирикасида “хусн” ва “зебо” лексемаларининг луғавий-услубий жиҳолари.....	357
<i>Аманулла МУРАТКУЛОВ</i> . Алишер Навоий асарларида араб ва форс сўзларининг қўлланиши.....	361

Қошим меҳробини ёд айлаган дам,
Янги ойдек бўлурму қоматинг хам?

Навоий “Сочим фикрида тунлар айласанг печ” сатридан бошлаб ўн тўрт байтда таносиб усулига қатъий риоя қилади. Олимларимиз томонидан эътироф этилганидек, Низомий ва Навоий сингари даҳо ижодкорлар учун ҳеч қачон шеърӣ санъатлар шунчаки бир санъаткорликни намоӣйиш қилувчи воситалар бўлган эмас. У ҳақиқӣ новатор, ижодкор сифатида ўзининг санъаткорлик маҳоратини, муҳим ижтимоӣ-сиёсий фикрлари, олижаноб ғояларини юксак бадиӣ савияда ифода қилиш учун дадиллик билан ишга солган. Йирик ижодкорлар поэтик санъатлар учун “материал” танлар экан, энг характерли воқеа ва ҳодисаларни, биринчи навбатда, тасвир объектининг моҳиятини тўла ва ёрқин ифодалашга имкон берадиган реалистик деталларни олишга интилан. Бундан ташқари, бадиӣ санъатлар ҳам ўзининг “восита”лик фонидан ажралиб, асарларнинг моҳиятини очиб берувчи поэтик мотив сифатида намоён бўлади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Navoiy Alisher. *Xamsa: Farhod va Shirin*. – Т.: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 1989.
2. Nizomiy Ganjaviy. *Xamsa: Xusrav va Shirin (fors tilidan O. Jo‘rayev tarjimasi)*. – Toshkent: Istiqlolnuri, 2016.
3. Haqqulov I. *Tasavvuf va she‘riyat*. – Toshkent, 1991.
4. Salohiy D. Nizomiy va Navoiy “Xamsa”larining uslubiy xususiyatlari // Alisher Navoiy ijodi va qiyosiy tahlil masalalari. – Toshkent: Tamaddun, 2017.
5. Qobilov U. Navoiy she‘riyati obrazlari va adabiy ta’sir masalasi // Alisher Navoiy ijodi va qiyosiy tahlil masalalari. – Toshkent: Tamaddun, 2017.
6. Tohirov S. Navoiy va XVI asr fors-tojik dostonchiligi // Alisher Navoiy ijodi va qiyosiy tahlil masalalari. – Toshkent: Tamaddun, 2017.

НАВОЙ МАҲОРАТИНИНГ МУҚИМЙ ИЖОДИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ

Қўлдош ПАРДАЕВ
ТошДЎТАВ
(Ўзбекистон)

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ёшлигиданоқ Алишер Навоий ижодини катта ҳурмат ва муҳаббат билан ўрганди, шеърӣтидан илҳомланди, кўплаб ғазалларига назиралар битди, тахмислар боғлади. Муқимий Навоийнинг етти ғазалига тахмис ёзиб, бетакрор бадиӣят ва теран фикрлар билан йўғрилган мухаммаслар яратган. Булар шунчаки анъана маҳсули эмас, балки Навоий асарлари мазмун-моҳияти, поэтик мукамаллиги ҳамиша Муқимийни ром этиб келган. Профессор Фулом Каримов Алишер Навоийнинг “Қилмадинг” радибли ғазалига Муқимий боғлаган тахмиснинг куйидаги

То ўтмадинг, тагофул ила ноз қилмадинг,
Қўйдингму халқ ичра сарандоз қилмадинг,
Мактуб учун давоту қалам соз қилмадинг,
Қоғоз уза қаламни фусунсоз қилмадинг,
Бир руқъа бирла бизни сарафроз қилмадинг –

бандини келтирар экан, мана бундай ёзади: “Муқимий Навоий ғазалидаги вазн, қофия, радиб ва умумий мазмун ва руҳни сақлаган ҳолда, услуб ва тасвирда Навоийга мос келадиган мисралар кўшиб ажойиб мухаммас яратган.” [1.356] Муқимий асарлар тўплами нашрларида учрамайдиган жамоатчиликка маълум бўлмаган Муқимийнинг 7 байтли:

*Маҳвашио, ҳеч ким санго мендек гирифторм ўлмасун,
Кеча-кундуз соғиниб муштоқи дийдор ўлмасун –*

Ҳатлаъли ғазали ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги 7512 ашё рақамли баёзда (167^а-саҳифа) келтирилган. Мазкур шеър Алишер Навоийнинг “*Кимса мендек даҳр аро бесабру ором ўлмасун*” мисраси билан бошланувчи етти байтли ғазалига назира қилинган. Муқимий ғазали Навоийнинг радифли ғазалига эргашиб, ошиқона мавзуда икки ғазал битган. Мазкур икки назира ғазал Муқимий асарларининг жорий нашрларида учрамайди. Улардан биринчиси, “Ёндуруб оламни, чиқ, қашинрухсор гул” [2.38] мисраси билан бошланувчи ўн байтли ғазалдир. Иккинчиси ҳақида Абдувоҳид Шокиров мана бундай ёзган эди: “Муқимийнинг янги аниқланган “Бўлди радифли ғазали мотиви жиҳатидан “Ким десун?” ғазалига яқиндир. Айни пайтда, ғазал устод Алишер Навоийнинг худди шу радифли ғазалига тазмин асосида (Навоий ғазалининг биринчи мисрасини олиб) яратилгандир. Шоир ғазалнинг сўнгги байтида чуқур ижтимоий фикрни илгари қўйишнинг гувоҳи бўламиз:

*Нолалар айлар, етишимай булбул охир ажрига,
Билмай ўз қадрин, Муқимий, мунча арзон бўлди гул”* [3.5].

Адабиётшунос О.Жўрабоев ҳам Қўқон адабий муҳити намояндалари томонидан Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмислар ҳақида фикр юритиб, буюк шоир девонларига кирмаган “*Жамолнинг лолазору кўзларинг оҳу бара*” мисраси билан бошланувчи бир ғазалига Завқий, Муқимий тахмислари хусусида бундай ёзади: “Ўша даврда бир ғазалга назира ёзиш ёки тахмис қилиш Муқимий бошчилик қилган адабий даврага хос анъана бўлганлиги маълум. Фикримизча, мазкур тахмислар ана шундай анъана маҳсулидир. Ушбу асарларнинг илк бандлари эса қуйидагича:

Муқимийда:

*Эй, хироминг ошиқи шайдоларинг кабки дара,
Хўнлар оламда қўптур, ҳаммасидин сен сара,
Сийналар мажруҳ сенсиз, саҳт кўнгуллар яра,
Эй, жамолнинг лолазору кўзларинг оҳу бара,
Нофадек қон боғладим, ҳажрингда бағрим қаб-қара...*

Завқийда:

*Ёр, паршон кокулингни шоналар айлаб тара,
Сўнгра шонангни қуюб, қўнгли паршона қара,
Ёй қошингдин, ўқ мижсангдин қўнғума солди яра,
Ой жамолнинг лолазору кўзларинг оҳу бара,
Лоладек қон боғлади ҳажрингда бағрим қаб-қара...*

Қўқонадики, Муқимий ва Завқий асарнинг моҳиятига алоҳида эътибор қилишган. Аммо, услубийликни сақлаш ва навоиёна мисралар тузиш Муқимийда кучлироқ экани сезилади [4.57].

Муқимий ҳажвий асарларида ҳам Навоий ижодидаги сатирик асарлардан таъсирланганини аниқ айтиш мумкин. Масалан, Навоий “Ҳайрату-л-аброр” достонининг “Риёи ҳирқапўшлар” бобида ёнқор шайхларнинг барча кирдикорларини аёвсиз фош этиб, бу образлар орқали жамиятдаги сўфий иллатларни тасвирлайди. “Навоий қаламининг сатирик кучи бу бобда айниқса ёрқин ранг-ранг билан товланади. Бунда ҳар бир сўз тигдай ўткир, ҳар бир чизиқ бениҳоя жонли ва лўнда-лўнда” [5.160]. Қаҳрамоннинг бошдан-оёғигача тасвир жараёни заҳарханда кулги билан йўғрилган: “...қўшлари риё иплари билан тикилган афтода жандаси, эгриликдан печ-печ ўралган салласи, беўх-беўх соқоли, одамларга эрмак катта калиши, ҳийла уйига устун – ҳассаси, хуллас ҳар битта детални аниқ кочирмаган шоир сатирада тенгсиз тасвир яратади:

*Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри йиғоч узра чиқиб ўчкудек.
Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутиб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ* [6.167].

Худди бундай ҳолни Муқимий сатирик ижодида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шоирнинг “Авлиё” радибли ҳажвий асарини олайлик. Шеърда ўз манфаатларини кўзлаб, ҳеч қандай ишдан қайтмайдиган, ўзини “авлиё” кўрсатиб, бемани ахлоқсизликлар билан машғул кимсалар образини шоир қуйидагича тасвирлайди:

*Боиларида шапка гоҳе, гоҳ дастор “авлиё”,
Қўлларида субҳаю бўйнида зиннор “авлиё”...
Шул эрур кашфу кароматики бўйлаб субҳу шом,
Чикса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор “авлиё”.
Доимо бепарда сўз халқ ичра айтур беибо,
Бўлмагай деб қўрқаман ногоҳ сангсор “авлиё”... [7.382].*

Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасидаги ҳажв услуби ҳам Навоийнинг Ҳайрату-л-аброр” достонидаги амалдорлар ҳақидаги танқидий қарашларига жуда яқин. Навоий жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, амалдорларнинг адолатсизлиги, халққа ўтказаетган зулмлари хусусида қуйидагича ёзади:

*Зулм этиб ул косибу деҳқонга ҳам,
Косибу деҳқон неки, султонга ҳам.
Қайси вилоятгаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.
Гар худ ул уй соҳиби ҳофи эрур,
Истари аввал майи софи эрур.
Май била бузғоч қорининг ҳолини,
Шоҳид учун ҳам юборур золини...
Бир-бири бирла бўлишиб ўйла дўст,
Ҳар кишиким кўрса дегай мағзу нўст... [8.204].*

Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасида ҳам золим амалдорлар кирдикорлари қаттиқ танқид остига олинади. Уларнинг ахлоқсизликлари, пасткашликлари, камбағал деҳқонларга ўтказаетган зулми, порахўрликлари шоир томонидан қуйидагича тасвирланган:

*Бўлди таажжуб қизик ҳангомалар,
Арз этайин эмди ёзиб номалар.
Адл қулогила эшит ҳолими,
Зулм қилур, баски, менга золими.
Ўн икки ойда келаду бир таноб,
Ўзгалара роҳату менга азоб...
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа – чирог ёғи, Ҳакимжон – тилик [9.343].*

Кўриниб турибдики, Навоий ва Муқимий сатирасининг вазни, услуби, мавзуси, тили, тасвирий ифодалари ўзаро ҳамоҳанг. Икки шоир сатираси хусусида адабиётшунос Абдурашид Абдуғафуров ҳам қуйидагича мулоҳаза билдирган эди: “Масалан, Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” достонидаги зўравон шоҳнинг, зулмкор амалдорларнинг қишлоқдаги фаолиятини тасвирловчи эпизод билан Муқимийнинг “Танобчилар” сатирасидаги қишлоққа чиққан чор чиновниклари фаолиятини ифодаловчи мисралар ана шундай намуналардан биридир. Ҳар икки шоир эпизодлари қиёсланганда мавзунинг ўхшашлиги, объектларга муносабатнинг, сатирик руҳнинг умумийлиги, ҳатто ситуация ва фош этувчи деталларнинг бири иккинчисига жуда яқинлиги юзага чиқади” [10.7].

Умуман, Муқимий шеъриятида Навоий ижодининг таъсири кучли эканини юқоридаги туркум назиралар ва мухаммаслар ҳам кўрсатиб турибди. Муқимий ва Навоий асарларини қиёслаганда, улар ижодида муштарак жиҳатлар кўп экани кузатилади. Хусусан, мавзулар мутаносиблиги, қофия ва радиф, образ ва тимсоллар, анъанавий бадиий санъатлар такомил бунинг далилидир. Бу хусусиятлар, ўз навбатида, Муқимий ижодий камолотида буюк Навоий санъатхонасининг таъсири катта бўлганини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Ф. Муқимий ҳаёти ва ижоди. (Монография). -Т.: 1970.
2. Мадаминов А. Янги баёз. – Т.: 1997.
3. Шокиров А. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1985, 1-февраль, 5-сон.
4. Жўрабоев О. Қўқон шоирларининг Алишер Навоий газалларига мухаммаслари (ва унга асосланган айрим газаллар борасида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. № 1.
5. Ойбек “Хамса”нинг асосий образлари // МАТ. Ўн тўққиз томлик. Ўн тўққизинчи том. -Т.: 2014.
6. Шарипова Н. Алишер Навоийнинг “Ҳайрату-л-аброр” достонида ҳажв услуби. – “Ўзбек адабиётишунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзuidaги илмий-назарий анжуман мате-риаллари. -Т.: Мумтоз сўз, 2014.
7. Каримов Ф. Муқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
8. Алишер Навоий. МАТ. Хамса. Ўнгирма томлик. Еттинчи том. -Т.: Фан, 1991.
9. Каримов Ф. Муқимий. Асарлар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
10. Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976.

АЛИШЕР НАВОЙ, А НЕ ГАФИЗ

(К вопросу об источнике стихотворения А.С. Пушкина
«Не пленяйся бранной славой...»)

Гульжигит СОРОНКУЛОВ
КГУ
(Кыргызстан)

Гульжан АБЫКАНОВА
АА «Эл баасы»
(Кыргызстан)

В лето Арзрумской кампании, 5 июля 1829 года, Пушкиным было написано небольшое стихотворение «Не пленяйся бранной славой ...», получившее в печатном варианте название «Из Гафиза» и обозначенное в подзаголовке пометой: «(Лагерь при Евфрате)».

Напомним его текст.
Не пленяйся бранной славой,
О красавец молодой!
Не бросайся в бой кровавый
С карабахскою толпой!
Знаю, смерть тебя не встретит:
Азраил, среди мечей,
Красоту твою заметит –
И пощада будет ей!
Но боюсь: среди сражений
Ты утратишь навсегда
Скромность робкую движений,
Прелесть неги и стыда! (III, 163)

В пушкиноведении на протяжении более ста пятидесяти лет не утихают споры по поводу источника этого стихотворения. Большинство исследователей сходится во мнении, что авторское название в заглавии «Из Гафиза» не соответствует истине...